

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МИРРАҲИМОВА САИДАХОН ШУХРАТОВНА

**Неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган давосини ишлаб чиқиш
14.00.08 – Офтальмология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Докторлик (DSc) диссертация афтореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of Doctoral (DSc) Dissertation

Миррахимова Саидахон Шухратовна

Неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган

давосини ишлаб чиқиш 3

Миррахимова Саидахон Шухратовна

Разработка комбинированного лечения

неоваскулярной глаукомы 27

Mirrakhimova Saidakhon Shukhratovna

Development of combined treatment of

neovascular glaucoma 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

Миррахимова Саидахон Шухратовна

**НЕОВАСКУЛЯР ГЛАУКОМАНИНГ КОМБИНАЦИЯЛАШГАН
ДАВОСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib137. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Jasek P. Szaflik
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камилов Халиджон Махамаджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупов Амин Азизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Сеул Миллий Университети (Жанубий Корея)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: +99871-150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./Факс: +99871-150-78-25.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2017 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш. И. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ЎзР хизмат кўрсатган фан арбоби,
ЎзР ва РФ ФА академиги, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Р. Д. Суннатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф. А. Бахритдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида бугунги кунда неоваскуляр глаукомани (НВГ) даволаш долзарб тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, ҳозирги кунда глаукома кўрлик, яхши кўрмаслик ва кўриш ногиронлиги сабаблари орасида энг кўп кузатилади. Неоваскуляр глаукома, глаукома билан боғлиқ касалликлар ичида 24-40%, қандли диабет билан касалланганда 17% гача, диабетик ретинопатияда 64%, тўр парда марказий венаси окклюзиясида 42% гача, тўр парда вена шохчалари жароҳатида 3% гача, каротид артериялар обструктив касалликларида 15 % гача учрайди¹.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими яхшиланди. Касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш билан биргаликда касалликларни даволашда қатор замонавий технологиялардан фойдаланилмоқда. Бу борада кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Аҳоли орасида глаукоманинг асоратларини эрта ташхислаш ва аниқлаш тадбирларини амалга ошириш, замонавий асбоб-ускунлар ёрдамида тизимли даволаш механизмларидан фойдаланилиш туфайли, касалликни ташхислаш 12-15% га, даволаш сифати эса 25% гача яхшиланди. Бугунги кунда кўз касалликларини бирламчи бўғин даражасида аниқлаш ва профилактикасини амалга ошириш учун тез ва шошилишч тиббий ёрдам кўрсатиш ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси марказининг филиалларини ташкиллаштириш ва аҳолининг оммавий барвақт кўз ички босмини ўлчаш ва профилактик тадбирларни ўтказишни даврий равишда амалга ошириш зарурлигини тақоза этмоқда².

Жаҳонда неоваскуляр глаукомани олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори самарадорлигига эришишда комбинациялашган даво тизимини амалга ошириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, неоваскуляр глаукомани келиб чиқиш сабабларни асослаш; неоваскуляр глаукоманинг турли ёшдаги аҳоли орасида ривожланиш механизмларини аниқлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш; неоваскуляр глаукомани морфологик белгилар асосида ташхислаш механизминини ишлаб чиқиш; неоваскуляр глаукомада гипотензив даволашга резистентлик тартибини такомиллаштириш; неоваскуляр глаукомада фотодинамик даво усулларни қўлашнинг ижобий хусусиятларини асослаш; юқори кўз ички босими фониди сезиларли оғриқларни келтириб чиқариши ва кўзнинг меъёрий фаолиятини йўқотилишини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; неоваскуляр глаукомани даволашда оптимал даво жарроҳлик амалиёти эканлигини исботлаш, жарроҳлик амалиётидан кейинги геморрагик асоратлар хавфининг олдини олиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ҳосил қилинган сув оқиш йўлларида чандиқлар

¹ Bettin P., Di Matteo F. Glaucoma: present challenges and future trends // Ophthalmic Res. 2013. Vol. 50.Iss. 4. P. 197–208.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдиги ПФ-4947-сонли фармони

пайдо бўлиши олдини олиш, асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усуллари тadbик қилиш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28-ноябрдаги ПҚ - 1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган давосини ишлаб чиқишда антиглауком жарроҳлик амалиёти ва фотодинамик терапия (ФДТ) усуллари ишлаб чиқиш ва қўллашга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Brody School of Medicine, Penn State College of Medicine (АҚШ); University of Genova, Vita-Salute University, San Raffaele Scientific Institute (Италия); Clinique Sourdille (Франция); Queen Mary University of London (Буюк Британия); University of Heidelberg, Humboldt University (Германия); Yokohama City University, University Fukui (Япония); University of Campinas (Бразилия); Ain Shams University (Миср); «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий техник комплекс (Россия) ва Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган давосини ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги, касалликни эрта ташхислаш, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг камайтиришни илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: неоваскуляр глаукомани даволашда биокимёвий ва функционал тадқиқот усуллари натижасида жарроҳилик амалиётига дори воситаларини қўллашнинг самарадорлиги асосланган (Brody School of Medicine, Penn State College of Medicine (АҚШ); неоваскуляр глаукомада фотодинамик терапия усуллари қўллаш даволаниш кунини камайтириш ва самарадорлигини ошириши тартиби исботланган (Humboldt University (Германия); неоваскуляр глаукомани кеч ташхислаш оқибатида кўриш фаолиятининг пасайиши ва кўрлик ривожланишига олиб келувчи омиллари ва конверсия даржаси исботланган (University of Genova, Vita-Salute

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.uic.edu>, <http://www.yokohama-cu.ac.jp>, <http://www.qdu.edu.cn>, <http://otolar-centre.ru>, <http://www.eco.unicamp.br>, <http://www.asu.edu.eg>, <http://www.fpu.ac.jp>, <http://www.umlub.pl>, <http://www.ulsan.ac.kr>, <http://www.units.it>, <https://www.uniud.it>, <https://www.uni-marburg.de>, <https://www.hu-berlin.de/en>, <http://www.mountsinai.org>, <http://www.BMJ>, <https://www.heidelberg-university-hospital.com>, <https://unige.it>, <http://www.ecu.edu/med>, <http://www.pennstatehershey.org>, <http://www.qmul.ac.uk>, <http://www.pubmed.com> ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган.

University, San Raffaele Scientific Institute (Италия); болалар орасида туғма ва орттирилган глаукома ва аутосом доминант ўсмирлик глаукомасининг оқибатида кўз ички босимининг ошиши, кўриш нерви ва кўриш майдонининг қисқариши исботланган (Clinique Sourdille (Франция); неоваскуляр глаукомада кўзнинг рангдор пардаси ва иридокорнеал бурчакда ҳосил бўлган янги қон томирлари кўз ички суюқлигини чиқиб кетишига тўсқинлик қилиши натижасида кўз ички босимининг ошиши исботланган (University of Campinas (Бразилия); неоваскуляр глаукомада трабекулэктомиядан олдин интравитреал «бевацизумаб» инъекциясидан фойдаланиш натижасида кўз ички босими ошишининг олдини олиш илмий асосланган (Yokohama City University (Япония); неоваскуляр глаукомали беморларда тўр парда ганглиоз хужайраларнинг аксонал йўқотилиши, ғалвирсимон пластинканинг деформациясига олиб келиши исботланган (University Fukui (Япония); трабекулэктомия жарроҳлик амалиётидан кейин фибрознинг назорат қилиниши хужайравий фотоабляцияга хавфсизлиги ва самарадорлиги исботланган (Ain Shams University (Миср); неоваскуляр глаукомани комбинациялашган даволаш усулини самарадорлиги исботланган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда неоваскуляр глаукомани комбинациялашган даво тизимини такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, неоваскуляр глаукомани аниқлашнинг молекуляр асосларини ишлаб чиқиш; неоваскуляр глаукомани оптимал комбинациялаш жарроҳлик амалиётини татбиқ этиш; жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг қайталанишини камайтиришга қаратилган муқобил даволаш усуллари ишлаб чиқиш; жарроҳлик амалиётининг самарадорлигини оширишда турли дренажларни қўллаш; ангиогенез ингибиторлари ва турли протеолитик ферментларни қўллаш орқали комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқиш; ортиқча чандиқлашувнинг олдини олишни патогенетик нуқтаи назардан такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда узоқ ва яқин хорижий давлатларда кўз касалликларини даволашда фотодинамик даво усуллариининг самарадорлиги исботланганига қарамай (Parodi M. B., Friberg T. R., Pedio M., Fiotti N., Stefano G. Di, Ravalico G., 2007; Белый Ю. А., Терещенко А. В., 2011; Saeed A. M., 2012; Said A. M., Zaki R. G., Mohamed T. H., Salman M.I., 2016; Hemang K., Pandya, 2016; Havens S. J., Gulati V., 2016), бугунги кунгача офтальмопатологияда ФДТдан фойдаланишнинг ягона услубий ёндашувлари ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда ушбу йўналишда қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Фотодинамик даво усуллари мамлакатимизда жарроҳлик амалиётига (Калиш Ю. И., Вахидов В. В., Содиқов Р. А., 1991) тадбиқ этилган. 2009 йилда тиббиёт ва биофизиклар ҳамкорлигида (Содиқов Р. А., Мавлян-Ходжаев Р. Ш., 2009) биринчи мартаба ФДУ-1 ускунаси яратилган. Мазкур ускуна кўплаб экспериментал изланишлардан сўнг онкология (Назиров Ф. Г., Содиқов Р. А., Мирзакулов А., Содиқов Р. Р., 2010), стоматология (Содиқов Р. Р., 2011), оториноларингология (Шайхова Х. Э.,

Мухитдинов З. Н., 2015), торакал ва абдоминал жарроҳлик (Тешаев О. Р., Муродов А. С., Содиков Р. Р., 2016) амалиётларига тадбиқ қилинган. ФДТ усули хориж офтальмологиясида кенг миқёсда қўлланилишига қарамай, лазер қурилмалари йўқлиги туфайли бу усул Ўзбекистонда узоқ вақт қўлланилмади. Фақат сўнгги йилларда мамлакатимиз олимлари томонидан ишлаб чиқарилган АЛТ-Восток қурилмаси орқали ФДТни республика клиник амалиётида ўсмалар, тери касалликлари, юқумли касалликлар, ЛОР органлари касалликларини даволашда қўллаш имкони пайдо бўлди. Бироқ республикамизда кўз касалликларини, хусусан глаукомани даволашда ФДТнинг самарадорлигини клиник ўрганиш ва хавфсизлигини тажрибада асослашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тошкент тиббиёт академияси (ТТА) офтальмология кафедраси ходимлари (Ф.А.Бахритдинова ва К.И.Нарзикулова, 2015) ТТА қошидаги Олий таълим муассасалараро илмий-текшириш лабораторияси (ОТМИТЛ) ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (ТошВМОИ) марказий илмий текшириш лабораторияси билан ҳамкорликда экспериментал-клиник тадқиқот ўтказилиб, кўз олд қисми яллиғланиши касалликларини даволашда ФДТнинг хавфсиз дозалари ва нурланиш кучи аниқланди.

Неоваскуляр глаукомани комбинациялашган даво тизимида фотодинамик даво усулларини қўллашнинг ижобий хусусиятларини асослаш, жарроҳлик амалиётидан кейин репаратив жараёнларнинг фаоллашуви ҳамда фотодинамик даво усулларини қўллашнинг ижобий хусусиятларини илмий асослаш, жарроҳлик асоратлари юзага келишининг олдини олишда фотодинамик даво терапиясининг таъсири тажриба-клиник аспектда тадқиқ этилмаган. Ушбу даво турини бугунги кунда тиббиётнинг офтальмология амалиётида қўллаш ва уни чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлаш қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Янги доридармон воситаларини ишлаб чиқиш ва офтальмологик амалиётга тадбиқ қилиш орқали кўз касалликларининг баъзи турларини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» (2015-2018 йй.) мавзусидаги илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади неоваскуляр глаукоманинг жарроҳлик амалиётидан кейинги босқичда фотодинамик терапияни қўллаш орқали даволаш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

неоваскуляр глаукоманинг антиглауком операциядан (АГО) кейинги босқичида фотодинамик терапияни қўллашнинг антипролифератив восита сифатидаги таъсири остида интрасклерал бўшлиқдаги (ИСБ) гистоморфологик ўзгаришларни очиқ бериш;

неоваскуляр глаукомали беморларда жарроҳлик амалиёти вақтида ва ундан кейинги асоратларнинг олдини олишда таркибида комбинацион-фиксацияланган гипотензив дори воситалари бўлган «бримоптик»нинг самарадорлигини аниқлаш;

неоваскуляр глаукомали беморларда хирургик амалиётдан олдин доридармон билан тайёрлаб АГО ўтказиш, жарроҳлик аралашувидан кейинги даврда фотодинамик терапияни қўллаш усулини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

неоваскуляр глаукома билан оғриган беморларда АГО ўтказиб, фотодинамик терапия қўлланилгач, кўриш фаолиятларни ҳамда кўз ичи суюқлиги оқиб чиқиши йўллари ҳолатини ультратовушли биомикроскопия (УТБ) орқали аниқлаш;

маҳаллий ускунада фотодинамик терапияни ўтказиш орқали неоваскуляр глаукомани даволаш учун ишлаб чиқилган алгоритмни офтальмологик амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида НВГнинг II ва III босқич оғрик синдроми билан касалланган 91 нафар бемор (91 та кўз) ва 12 та (24 та кўз) зотсиз тажриба қуёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети неоваскуляр глаукомали беморларни даволаш жараёнида ҳамда АГО тажрибасидан сўнг қуёнлар кўз тўқималарининг кесмаларини гистологик текширишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда клиник-функционал текширув, умумофтальмологик (визометрия, биомикроскопия, гониоскопия, офтальмоскопия, тонометрия, Фишер бўйича оғрик синдроми даражасини аниқлаш), махсус (УТБ, ультратовушли А-В сканнерлаш), гистоморфологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фибропластик жараёнларни кучайтирувчи морфологик ва патологик ўзгаришларда тажриба ҳайвонларда ўтказилган антиглаукоматоз жарроҳлик амалиёти соҳасидан олинган гистологик кесимлар асосида фотодинамик терапия таъсири исботланган;

неоваскуляр глаукомада жарроҳлик амалиётидан кейин янги ҳосил қилинган кўз ичи суюқлиги оқиш йўлларида фотодинамик терапиядан фойдаланишнинг хавфсизлиги ва антипролифератив фаоллиги исботланган;

илк бор офтальмотонус даражаси ҳамда жарроҳлик амалиётидан кейинги геморрагик асоратлар хавфини камайтириш имконини берадиган «бримоптик» дорисини қўллаш самарадорлиги, унинг гипотензив ва томир торайтирувчи хусусиятлари жарроҳлик амалиётидан олдинги даврда нафақат ижобий таъсири, балки, касалликнинг иккинчи босқичида мустақил доридармон воситаси сифатида қўллаш мумкинлиги исботланган;

неоваскуляр глаукомали беморларда антиглаукоматоз жарроҳлик амалиётидан сўнг интрасклерал бўшлиқ чандиклашувининг олдини олиш учун илк бор офтальмологияда АЛТ-Восток мосламасида фотодинамик терапияни амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилган;

неоваскуляр глаукоманинг клиник кўрсаткичлари ва ультратовуш биомикроскопияси маълумотлари ёрдамида антиглаукоматоз жарроҳлик амалиёти натижасида юзага келган интрасклерал бўшлиқ чандиклашув

жараёнининг олдини олиш ҳамда шу бўшлиқни сақлаш учун қўлланилган даволаш механизмининг ижобий хусусиятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўз ичи суюқлигининг янги ҳосил қилинган йўллариға фотодинамик терапия таъсирининг антипролифератив самарадорлиги антиглаукоматоз жарроҳлик амалиётининг экспериментал моделида аниқланган, даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва клиникада фойдаланиш имконини берган;

неоваскуляр глаукомали беморларни антиглаукоматоз жарроҳлик амалиётига тайёрлашдан олдин беморларни кузатишда «бримоптик» дориси ишлатилганда кўзнинг ички босими пасайган ва операциядан кейинги асоратлар камайганлиги аниқланган;

фотодинамик терапиянинг антипролифератив самарадорлиги неоваскуляр глаукомали беморлар кўзининг клиник-функционал кўрсаткичлари, шунингдек, кўз ичи суюқлигининг янги ҳосил қилинган оқиш йўллариининг ўлчамлари ультратовуш биомикроскопияси ташхиси ёрдамида тасдиқланган;

яратилган маҳаллий ускунада неоваскуляр глаукоманинг фотодинамик терапия таъсирида неоваскуляр глаукомани жарроҳлик амалиётининг янги алгоритми республика офтальмологик амалиётига тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар ва тажриба ҳайвонлари сонининг етарли эканлиги, клиник-функционал, жарроҳлик, морфологик, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти клиник ва экспериментал тадқиқотларнинг назарий асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг НВГли беморларда АГОдан кейинги ортиқча чандиқлашув жараёнларининг олдини олишда ФДТ хусусиятлари ҳақидаги билимларга сезиларли ҳисса қўшганлиги, тажриба ҳайвонлари гистологик кесмаларида фибропластик жараёнлар асосий кўрсаткичларининг аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти НВГни ФДТ орқали даволашнинг ишлаб чиқилган алгоритми республика амалий офтальмологиясида истиқболли йўналиш ҳисобланганлиги, антиглаукома жарроҳлиги сифатини яхшилаганлиги, рефрактер глаукома жарроҳлик амалиётидан олдин «бримоптик» препаратидан фойдаланиш ҳисобига операциядан кейинги асоратлар хавфини бирмунча камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган давосини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Неоваскуляр глаукомали беморларда кўз ички босимини медикаментоз пасайтириш усуллари» услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва соғлиқни

сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 8 ноябрдаги 8н-м/348-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма неоваскуляр глаукомали беморларда жарроҳлик муолажаларидан олдин «бримоптик» дори воситасини қўллаш кўзнинг ички босимини сезиларли даражада пасайтириш ҳамда интра- ва жарроҳлик амалиётидан кейинги илк босқичда геморрагик асоратларни 2,2 мартагача камайиши имконини беради.

Неоваскуляр глаукоманинг комбинациялашган давосининг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг натижалари асосида неоваскуляр глаукоманинг даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва ушбу илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси қошидаги Олий таълим муассасалараро илмий-текшириш лабораторияси ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт институти Офтальмология клиникаси, Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси иккинчи клиникаси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 8 ноябрдаги 8н-м/348-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқотларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши неоваскуляр глаукоманинг жарроҳлик амалиётидан кейинги геморрагик асоратларини 20,9% дан 30,6% га камайтириб, фотодинамик терапиядан кейин ортикча чандиклашувининг олди олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жумладан 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, шундан, 7 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Неоваскуляр глаукоманинг этиологияси, патогенези, ташхисланиши ва даволаш усулларига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобининг уч бўлимида НВГ

касаллигининг этиологияси, ташхисланиши ва даволаш усуллари бағишланган адабиётлар шарҳи келтирилган. Шунингдек, НВГни даволашнинг ҳозирги мавжуд муаммолари ҳақида маълумотлар берилган, НВГ кечишининг клиник хусусиятлари ёритилган. НВГни консерватив терапияси ва хирургик даволашнинг аҳамияти ҳамда натижалари, ФДТдан фойдаланишнинг офтальмологиядаги ўрни кўриб чиқилган, фотосенсибилизаторларнинг замонавий кўринишлари тўғрисида ахборот берилган.

Диссертациянинг «**НВГнинг клиник ва экспериментал текширув материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник ва тажриба-синов қисмлари методологияси тавсифланган. Ишнинг негизида ТТА 2-клиникасининг кўз касалликлари бўлимида 2012–2016 йилларда даволанган НВГли 91 нафар бемор (91 та кўз)нинг текшируви ва даволаниши ҳамда ТТА ОТМИТЛда 12 та қуённинг АГО моделидан кейинги кўз тўқималарининг морфологик текширувлари таҳлил қилинган.

Беморларнинг 54 (59,3%) нафари эркак, 37 (40,7%) нафари аёл киши. 40 ёшдан 70 ёшгача бўлган беморлар жалб этилган бўлиб, уларнинг ўртача ёши – $55,7 \pm 3,4$ йил (1-расм). Дастлаб беморларнинг шикоятлари, касаллик

Юқори КИБ билан НВГли 91 та бемор (91 та кўз)




1-расм. Беморларнинг жинси ва ёшига кўра тақсимланиши

анамнези, меҳнат ва ҳаёт тарзи, шунингдек, ёндош касалликлари ҳам синчиклаб ўрганилди.

Даволаш усуллари бағлиқ равишда беморлар 3 гуруҳга бўлинди. Беморлар гуруҳлари касалликнинг босқичи, КИБ даражаси, биомикроскопик ва ультратовуш ўлчамлари, шунингдек, оғриқ синдромининг кучига кўра бир хил (2-расм).

Биринчи (назорат) гуруҳ 32 нафар бемор (32 кўз)дан иборат бўлиб, улар доимий равишда томизиб юрган турли гуруҳдаги гипотензив препаратлар (фотил форте, азарга, тимолол) фонидА АГО ўтказилган.



2-расм. НВГли беморларни даволаш гуруҳи бўйича тақсимланиши

Иккинчи (1-асосий) гуруҳ 30 нафар бемор (30 кўз)дан иборат бўлиб, уларга жарроҳлик амалиётдан 6 кун олдин барча гипотензив томчилар бекор қилинди ва эртасига (жарроҳлик амалиётдан 5 кун олдин) кунига 2 марта 1-2 томчидан «бримоптик» томизилди.

Учинчи (2-асосий) гуруҳ 29 нафар бемор (29 кўз)дан иборат бўлиб, уларга жарроҳлик амалиётдан олдин «бримоптик» томизилди, бироқ хирургик амалиётдан кейин дарҳол АЛТ-Восток ускунасида 10 кун мобайнида ФДТ тайинланди.

Барча гуруҳларда этиологик даволаш билан бир қаторда карбоангидраза ингибитори (диакарб) қўлланилди.


Беморларни комплекс офтальмологик текшириш глаукомани тадқиқ қилишнинг халқаро стандартларига мувофиқ, кўзни клиник-функционал текшириш усулларида иборат бўлди ва ТТАнинг офтальмология бўлимида ўтказилди. Тадқиқотнинг УТБ, ультратовушли биометрия (А-В сканерлаш) махсус усуллари ООО ВЛ «Lazer Optica» клиникасида олиб борилди. УТБ Paradigm Р 60 («Humphrey» фирмаси, АҚШ) модели ускунасида стандарт ҳолатларни қўллаб ўтказилди; ультратовушли биометрия (А-В сканерлаш) Echoscan «US-4000» («Nidek» фирмаси, Япония) ускунасида олд камеранинг чуқурлиги, гавҳар қалинлиги ва кўз оптик ўқининг узунлигини аниқлаган ҳолда ўтказилди. Антиглаукоматоз операция – склеранинг орқа томони трепанациясидан сўнг С. Н. Фёдоров (1984) усулида чуқур склерэктомия ўтказилди.

Фотодинамик терапия усули. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида АЛТ-Восток ускунасида ФДТ олиб борилди. К. И. Нарзикулова билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган усул бўйича (ЎзР биоэтика қўмитасининг 2014 йил 8 майда берилган 23/2 қарори) муолажадан олдин фотосенсибилизатор сифатида 0,2 мл кўк метиленининг 1% ли сувли эритмаси томизилиб, лазер нурланиши кўз проекцияси томон (5 мм апертура) 300мДж (630 нм, импульсли нурланиш, экспозиция 3 дақиқа) юборилди.

Экспериментал тадқиқотлар ТТАнинг ОТМИТЛда 2015 йил 16 декабрдаги илмий техник ҳамкорлик тўғрисидаги № 14-30 рақамли шартномага биноан ўтказилди.

In vivo тажрибасида 2-2,5 кг оғирликдаги 3-6 ойлик 12 та эркакзотсиз куён (24 та кўз) дан фойдаланилди. АГО(чуқур синустрабекулоиридэктомия) андозаси яратилди, ундан сўнг 10 кун давомида ФДТ қўлланди. Ҳайвонларни тажрибадан чиқариш муддати операциядан сўнг 2, 4 ва 6 ҳафтадан иборат бўлди.

Тажриба куёнлари 6 тадан 2 гуруҳга ажратилди: 1-назорат гуруҳидаги куёнларда фақат АГО андозаси қўлланилди, 2-тажриба гуруҳида худди шундай операция ва юқорида айtilган дозалар ва экспозицияларда ФДТ қўлланди (3-расм).



3-расм. Тажриба ҳайвонларининг гуруҳлар бўйича тақсимланиши

АГО андозасининг техникаси. Дастлаб анестезия, конъюнктива сепаровкаси ва гемостаздан кейин склерада тешиб ўтилмаган кесмалар (склеранинг 1/3-1/2 қалинлигида) билан асоси лимб олдида бўлган квадрат зона чизилади; бунга муфовиқ равишда асос қисми (6 мм) лимб олдида бўлган ламелляр склерал парчашаклантирилади; қатламлашган соҳа тубида асос қисми лимб томонда бўлган учбурчак шаклидаги склеранинг чуқур қатламлари кесиби олинади; базал иридэктомия ўтказилади; склерал парча ўз жойига ўрнаштирилиб, иккита тугунли чок билан тикилади; конъюнктивага узлуксиз чок қўйилади. Бу хирургик амалиётнинг асоратсиз ўтишини таъминлайди.

Хирургик йўл билан ҳосил қилинган филтрловчи ёстиқ ҳолатини баҳолаш мақсадида ҳар куни биомикроскопия усулида офтальмологик текширувлар ўтказилди. Тажриба ҳайвонлари ҳаво эмболияси йўли билан тажрибадан чиқарилди (ЎЗР биоэтика кўмитасининг 2016 йил 24 декабрдаги № 11/12-сонли қарори). Кўз олмалари энуклеация қилиниб, нейтрал формалиннинг 10% ли эритмасида фиксация қилинди, оқар сувда ювилди, концентрацияси ошиб борувчи спиртлар (70°, 80°, 90°, 96°, 100°)да

сувсизлантирилди ва ёғсизлантирилди, кейин парафин қуйилди. Сўнгра гематоксилин-эозин ва Ван-Гизон усули билан бўяшни қўллаб, гистологик кесмалар серияси бажарилди. Препаратлар DMLB 2 (Leica фирмаси, Германия) микроскопида х50, х100, х200, х400 марта катталаштирилиб тадқиқ қилинди ва суратга олинди.

Microsoft Excel 2016 дастур пакети ёрдамида, ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларини ишлатиб тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **«Антиглаукоматоз операция – чуқур склерэктомиядан сўнг кўз тўқималари тузилмаларининг турли муддатларда репаратив регенерациясини морфологик ўрганиш»** деб номланган учинчи бобда кўз тўқима тузилмалари регенерациясини гистологик ўрганиш кўзнинг олд қисми: конъюнктив, эписклера, склера, лимб ва цилиар танани ФДТ таъсири остида текшириш, шунингдек, ИСБ, склерал клапан (СК) ва фильтрация ёстиғи (ФЁ) морфологиясини баҳолашдан иборат бўлган.

Гистологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, назорат гуруҳи ҳайвонларида АГО ўтказилгандан икки ҳафта ўтгач, операция қилинган соҳа томирларининг кенгайиши ва тўлақонлилиги, айниқса, периваскуляр қон қуйилиши ва тўқималараро модданинг конъюнктив ва склерадаги яққол шишиш кўринишидаги дисциркулятор ҳолатлар ривожланди. Тажрибанинг айна муддатида периваскуляр соҳа лейкоцитларининг диапедезли экссудатив яллиғланиш ривожланиши кузатилди (4-расм).


Жарроҳлик амалиётидан кейинги 4-ҳафтада кўз олмасининг тўқима тузилмаларида энг сезиларли морфологик ўзгаришлари кузатилди. Склерал клапан ва интрасклерал бўшлиқ атрофининг пролифератив яллиғланиши толали тузилмалар ҳамда тўқималараро модданинг яллиғланувчи инфильтратининг диффуз тарқалиши ва интрасклерал бўшлиқнинг торайган деструкцияси билан бирга кечган.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги 6-ҳафтада фибриноид ўзгаришларнинг кучайиши кузатилди. Интрасклерал бўшлиқ зонасининг бириктирувчи фиброз тўқимасида дағал чандиқ шаклланди ва у склерал клапан томонга кириб бориб, лимб ва цилиар танагача етади. Шунингдек, склерал клапаннинг юпқалашуви, тўқима тузилмалари деформацияси ва коллагеннинг толасимон қўпол тўқимага айланиши юз берди.


Қуёнларда ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, жарроҳлик аралашуви альтерация, экссудация ва пролиферация каби маҳаллий ўзгаришларни ўз ичига олган асептик стереотип яллиғланишига олиб келди, бу ҳолат мавжуд адабиётлардаги маълумотларга ҳам мувофиқдир. АГО самарадорлиги пасайишининг асосий сабабларидан бири шуки, хирургик амалиёт ўтказилган соҳада дағал чандиқлашув билан бирга кечувчи хирургик жароҳатга жавобан яллиғланиш юз беришидир.

Кўз тўқималарининг хирургик жароҳатга жавобан патологик ўзгаришлари ҳақида тасаввурга эга бўлгач, АГО ўтказилган тажриба ҳайвонлари кўз

тўқималарининг тузилмавий ҳолатига ФДТнинг таъсирини динамик тарзда ўргандик.



Назорат гуруҳи



Асосий гуруҳ

4-расм. Кўзнинг олд қисмини икки ҳафтадан кейинги тасвири

Назорат гуруҳи. Цилиар тананинг шиши (1) бўриш ва яллиғланиш инфильтрацияси (2), склера (3). Асосий гуруҳ. Конъюнктивада сезиларсиз шиш, ғоваклашув ва ягона яллиғланган ҳужайраларини борлиги (1), склерада (2) ва цилиар танада (3). Б: Г-Э. К: ок.10, об.10.


Жарроҳлик амалиётидан икки ҳафта ўтгач, хирургик аралашув ўтказилган соҳада эписклера шишиши, склера ўз моддаси интерстицийининг ўчоқли шишиши, коллаген толаларнинг ғоваклашуви ва бир қисмининг толаларга ажралиши кузатилди, кам сонли интерстициал фибробластлар пролифератив фаоллик ҳолатида бўлди. ФЁда, СКда ва ИСБ атрофида муқобил ўзгаришлар деярли учрамади, фақат томирлар кенгайиши ва тўлақонлилиги, интерстициал модданинг шишиши ва ғоваклашуви кузатилди.

Кузатувнинг кейинги муддатларида (4 ҳафтадан сўнг) кўз тўқималарининг хирургик жароҳатига нисбатан яллиғланиш реакцияси аста-секин камайгани маълум бўлди. Худди шу муддатдаги назорат гуруҳи ҳайвонларидан фарқли равишда дағал бириктирувчи тўқиманинг ўсиб кетиш аломатлари аниқланмади. Гистохимик текширувда бириктирувчи тўқима нордон мукополисахаридларининг бировз бўялгани қайд этилдики, бу муқобил ва яллиғланиш жараёнларининг бировз жадаллигидан далолат беради. ИСБ соҳасида ва СКдаги репаратив-регенератор жараёнлар муқобил ўзгаришлар ҳамда яллиғланиш инфилтрати ривожисиз амалга ошди.


Гистологик текширув натижаларига кўра, кузатувнинг кейинги муддатларида (6 ҳафта) яллиғланиш аломатлари деярли бўлмади ва фибропластик жараёнлар унча сезилмади. Тўқима элементлари тузилмалари бир қадар тикланиб, кўзнинг сув оқиш тизими яхшиланди. Назорат гуруҳидан фарқли равишда ИСБ деворида фақат ғовак бириктирувчи тўқимамавжудлиги ва этилган коллагеннинг йўқлиги аниқланди (5-расм).

Шу тарзда жарроҳлик амалиётидан 6 ҳафта ўтгач, микроскопик ўзгаришлар яллиғланиш йўқлиги ва склера тўқималари, цилиар тана тузилмаларининг тўлиқ тикланиши билан характерланди. Коллаген толалар тузилмаси ва склера ламинар қурилишининг тўлиқ тикланиши қайд этилди. Демак, ФДТнинг кўз олмасига таъсири тажрибадаги ҳайвонлар кўзи

тўқималари ва тузилмасининг бузилишига олиб келмайди, ҳосил қилинган сув оқиш йўллари соҳасида репаратив жараёнларнинг даражасини пасайтиради.



Назорат гуруҳи



Асосий гуруҳ

5-расм. Операция соҳалари 6 ҳафтадан сўнг

Назорат гуруҳи. ИСБни хужайраларининг пролиферацияси ва ялиғланиш инфильтрацияси(2) ҳисобига торайиши (1). Асосий гуруҳ. ИСБни сақланиши(1), унинг атрофидаги сезиларсиз ялиғланиш (2), коллаген тўқималарнинг гомогенизацияси (3). Б: Г-Э. К: ок.10, об.40.

НВГли беморларда АГОдан кейин ИСБ ортиқча чандиклашувининг олдини олиш мақсадида ФДТни асосланган ҳолда клиник синовга ўтиши тажриба текширувлари учун асос бўлди.

Диссертациянинг «**НВГли беморларни комбинациялашган даволаш учун ишлаб чиқилган натижалари таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида НВГ нинг II ва III босқичларидаги 91 нафар бемор (91 та кўз) нинг даволашдан олдинги ва кейинги комплекс офтальмологик текшируви натижалари келтирилган бўлиб, кузатув муддати 6 ойни ташкил этган.

Касаллик босқичига боғлиқ равишда кўриш ўткирлигининг (КЎ) ўртача қиймати фарқланган: НВГнинг II босқичида иккала асосий гуруҳда $0,05 \pm 0,01$; III босқичда эса КЎнинг ўртача қиймати Pr. I. incertae чегарасида бўлган. Назорат гуруҳидаги КЎ кўрсаткичлари асосий гуруҳникидан қарийб фарқланмаган. НВГли беморлар биомикроскопия қилинганда, кўзолди сегментининг турли ўзгаришлари аниқланган: рангдор парда рубеози 84 та кўзда (92,3 %), конъюнктива томирлари турғун инъекцияси 75 та кўзда (82,4%), шоҳпардасининг шишиши 66 та кўзда (72,5%), асоратли катаракта 26 та кўзда (28,6%), олд ва орқа сатҳли синехиялар 40 та кўзда (44,0%), сохта эксфолиатив синдром 18 та кўзда (19,8%), шоҳпарданинг эпителиал-эндотелиал дистрофияси 12 та кўзда (13,2%) ва шоҳпарданинг васкуляризацияланган оқ доғи 9 та кўзда (9,9%) мавжудлиги кузатилган.

Учала гуруҳ беморларининг ультратовушли биометрик текширувида кўз олмасининг олд-орқа ўқи ўлчамлари ўртача $23,29 \pm 0,17$ мм (22,58 дан 23,93 мм гача) ни ташкил этиб, назорат гуруҳидан ишончли фарқ қилмади. Ультратовушли В-сканерлаш 91 нафар беморнинг 76тасида шишасимон тананинг яққол деструкцияси аниқланиб, шулардан 6 (6,6%) тасида “олтин ёмғир” туридаги дистрофик ўзгаришлар қайд этилди. Шишасимон тананинг

хар хил даражадаги орқа кўчиши 52 нафар (57,1%) беморда, турли даражадаги оғриқ аломатлари 91 нафар беморнинг 89 (97,8%) тасида кузатилди.

НВГли беморларни хирургияга тайёрлаш давридаги кўзнинг клиник-функционал кўрсаткичлари динамикаси. Дастлабки офтальмотонус бир хил бўлган ҳолатда томизишнинг 5-кунида «бримоптик» томизилган асосий гуруҳ беморларида КИБ касалликнинг иккала босқичида ҳам ишончли пасайди ($P < 0,05$). Текширилган беморлар офтальмотонусини қиёслаш шундан далолат бердики, асосий гуруҳларда НВГнинг II босқичида КИБ $28,5 \pm 1,5$, III босқичида $32,2 \pm 1,9$ мм сим.уст. га ишончсиз пасайди.

НВГнинг III босқичида КИБ компенсацияси I-асосий гуруҳда 15 нафар беморнинг 9 тасида, 2-асосий гуруҳда 14 нафар беморнинг 10 тасида 60-71% самара берганлиги маълум бўлди. Назорат гуруҳида НВГнинг II босқичида даволашнинг гипотензив таъсири самарадорлиги 12 нафар беморда (75%), НВГнинг III босқичида гипотензив самарадорлик фақат 4 нафар беморда (25%) кузатилган.

Текширилган беморлар офтальмотонус кўрсаткичларини қиёслаш, «бримоптик» препарати бримонидинни фақат гипотензив эмас, томир торайтирувчи хусусиятлари ҳисобига ҳам КИБни самарали пасайтиради. Шу сабабли НВГли беморларнинг жарроҳлик амалиётидан олдинги даврида ёрдам компоненти, шунингдек, касалликнинг II босқичида мустақил дори-дармон воситаси сифатида қўллаш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Операциядан олдинги даврда неоваскуляр глаукомали беморларга Бримоптик томизиш мобайнида кўз ички босими динамикаси

Текширилган беморларнинг гуруҳлари	Босқич	Кўзлар сони	Даволашдан олдин КИБ ўлчами (мм см уст.)	5 кундан сўнг КИБ ўлчами (мм см уст.)
Назорат	II	16	$30,9 \pm 2,1$	$28,5 \pm 1,5$
	III	16	$36,9 \pm 1,6$	$32,2 \pm 1,9$
I асосий	II	15	$31,3 \pm 1,8$	$23,8 \pm 1,5^{**\circ}$
	III	15	$37,3 \pm 1,8$	$27,6 \pm 1,9^{***}$
II асосий	II	14	$31,2 \pm 1,3$	$23,5 \pm 1,2^{***\circ}$
	III	15	$36,3 \pm 1,2$	$27,4 \pm 1,7^{***}$

Изоҳ: * - фарқлар даволашдан сўнг гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$), ° - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (° - $P < 0,05$)

Хирургик амалиётга тайёргарлик даврида «бримоптик» препарати билан оғриқ синдромининг динамикаси шундан далолат берадики, назорат гуруҳи беморларида иккала босқичда ҳам оғриқ йўқолмади, фақат даволашдан сўнг унинг умумий балл йиғиндиси 2 баллга камайган.

Асосий гуруҳлар беморларидаги оғриқ синдроми маълумотлари қиёсланганда, НВГнинг II босқичида оғриқ синдроми барҳам топиши 1-асосий гуруҳда 26,7% ва 2-асосий гуруҳда 28,6% беморда кузатилади. Шу гуруҳларнинг ўзида НВГнинг III босқичида оғриқ синдромининг барҳам топиши 1-асосий гуруҳда 20%, 2-асосий гуруҳда 6,7% беморда қайд этилди. Иккала асосий гуруҳда II босқичда оғриқ синдромининг умумий баллари деярли ярмига, III босқичда тегишлича, 35,6 ва 34,8 % баллга камайган.

Хирургик амалиётга тайёргарлик даврида «бримоптик» препарати билан шоҳ парданинг шишиш динамикаси куйидагича бўлган: назорат гуруҳи беморларида шоҳ парда шишишининг камайиши II босқичда 16,7%, III босқичда 14,3% ҳолатда кузатилган. Асосий гуруҳлар беморларида шоҳ парда шишиши натижалари таҳлилининг кўрсатишича, НВГ II босқичида КИБ 1- ва 2-асосий гуруҳда, тегишлича, 41,2% ва 47,1% пасайган. Шу гуруҳларда НВГнинг III босқичида шоҳ парда шишиши 38,5% ва 46,7% беморда сезиларликамайган. Асосий гуруҳ беморларида, айниқса, НВГнинг II босқичида, «бримоптик» таъсирида офтальмотонус пасайиши шоҳ парда шишишининг камайиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Назорат гуруҳида иккала босқичда ҳам айнан жарроҳлик амалиётидан олдин беморларнинг кўриш ўткирлигикўрсаткичлари ўзгармади, ammo асосий гуруҳларда касалликнинг II босқичида КЎ ортди, бироқ ишончли эмас ва $0,02 \pm 0,01$ чегарасида бўлди; НВГнинг III босқичида КЎ Pr. 1 .incertae дан 0,01 гача ортди, бу ушбу беморларда шоҳ парда шишишини камайишига боғлиқ.

Кўринадик, комбинациялашган фиксацияланган «бримоптик» гипотензив препарати КИБни самарали пасайтиради ва бу орқали оғриқ синдромига барҳам бериб, шоҳ парда шишишининг камайишига, айти пайтда КЎнинг ошишига ёрдам беради. Мазкур препарат НВГда фақат жарроҳлик амалиётидан олдинги тайёргарлик воситаси сифатидагина эмас, балки касалликнинг II босқичида консерватив даволашда ҳам яхши самара беради.

Барча гуруҳларда АГОлар маҳаллий анестезия билан ўтказилган. Хирургик амалиёт ўтказишга йўлдош бўлган асоратлар пайдо бўлиш вақтига кўра интраоперацион ва эрта операциядан кейинги асоратларга бўлинади. Жарроҳлик амалиётидан олдинги тайёргарликда гипотензив препаратдан фойдаланиб қилинган хирургик аралашув клиник натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, 1-, 2-асосий ва назорат гуруҳларида, тегишлича, интраоперацион асоратлар 26,6%, 24,1% ва 53,1% ни ташкил этди. Геморрагик асоратларнинг кузатилиши 1- ва 2-асосий гуруҳларда 20% ва 17,3%, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 25,0% дан иборат бўлди. Назорат гуруҳида гифема 2 баробар кўп учради, икки ҳолатда бутун камерани қоплаб олди ва олд камера парацентези керак бўлди. Асоратларнинг бошқа турлари: уч ҳолатда олд камеранинг йўқолиши ва бир ҳолатда экспульсив қон кетиши назорат гуруҳида ҳам учради. Иккала асосий гуруҳдаги битта беморда, назорат гуруҳидаги учта беморда офтальмотонус кўтарилиши кузатилди. Назорат гуруҳидаги битта беморда шишасимон тана склеростомога тушиб қолганди ва бу бошланаётган экспульсив геморрагия деб баҳолангани сабабли кўз олмаси бўшлиғи жуда тез герметизацияланди.

Жарроҳлик амалиётидан кейинги илк асоратлар гифема шаклида 2-асосий гуруҳдаги 3 та беморда (10,3%), 1-асосий гуруҳдаги 2 та (6,7%) беморда, назорат гуруҳидаги 10 та беморда (31,2%) қайд этилди. Шу вақтнинг ўзида томир парда кўчиши назорат гуруҳида 4 ҳолатда, 1-асосий гуруҳда 2 ҳолатда учради.

2-асосий гуруҳ беморларининг клиник текшируви натижаларига кўра офтальмотонус ҳолати жарроҳлик амалиётидан бир ҳафта ўтгач, I ва II босқичда КИБнинг сезиларли пасайганидан далолат берди, кузатувнинг кейинги муддатларида аста-секин меъерий чегарада кўтарилди (20-22 мм сим. уст.). 6-ойга келиб, КИБ барқарорлашди ҳамда 2- ва 3-босқичларда, тегишлича, ўртача сим. уст. нинг $21,9 \pm 1,5$ ва $22,1 \pm 1,4$ мм ни ташкил қилди.

1-асосий гуруҳ беморларида жарроҳлик амалиётидан 1 ҳафта ўтгач, тонометрик КИБ пасайиб, II босқичда ўртача сим. уст. нинг $21,5 \pm 1,4$ ва III босқичда $22,2 \pm 1,2$ мм ни ташкил қилди. Жарроҳлик амалиётидан 1 ой ўтгач, 1-асосий гуруҳ беморларида КИБ барқарорлашди ва ўртача сим. уст. нинг $22,9 \pm 1,3$ мм ни, кузатувнинг 6-ойида эса чегара ҳолатига келиб, $23,8 \pm 1,2$ мм ни ташкил қилди.

Жарроҳлик амалиётидан 1 ҳафта ўтгач, назорат гуруҳи беморларида тонометрик КИБ пасайиб, II босқичда ўртача сим. уст. нинг $24,7 \pm 1,3$ ва III босқичда $26,2 \pm 1,2$ мм ни ташкил этди. Кейинчалик КИБнинг аста-секин кўтарилиши кузатилди ва 1 ойдан 3 ойгача бўлган муддатда ўртача сим. уст. нинг $25,3 \pm 1,9$ ҳамда $26,3 \pm 1,6$ мм ни ташкил қилди. Кузатувнинг 6-ойига келиб, офтальмотонус КИБнинг ўртача баланд кўрсаткичларига етди. Худди шу муддатда III босқичда КИБ юқори бўлиб, сим. уст. нинг $28,3 \pm 1,8$ мм ни ташкил этди. КИБ компенсация бўлмаган беморларга кейинчалик «бримоптик» препаратини томишиш буюрилди (2-жадвал).

2-жадвал

Жарроҳлик амалиётидан кейинги турли муддатларда КИБ динамикаси

гуруҳлар	босқич	КИБ (мм.см.уст) даслабки ўлчами	Операциядан кейинги даврда КИБ ўлчами (мм.см.уст.)			
			1 ҳафта	1 ой	3 ой	6 ой
